



INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

INNOVATIVE TECHNOLOGIES

Ilmiy-texnik jurnal
2011-yilda tashkil etilgan

2023/1(49)-son

Ilmiy-texnik jurnalga 2010-yil
4-oktyabrda asos solingan va 2011-yil
mart oyidan boshlab chiqarilgan.

Muassis:
Qarshi muhandislik-
iqtisodiyot instituti.

TAHRIRIYAT HAY'ATI:
Bosh muharrir:
BAZAROV O.Sh.
Bosh muharrir o'rinnbosari:
t.f.d., prof. Uzoqov G'.N.
Mas'ul kotib: t.f.n. Raxmatov M.I.

Tahrir kengashi a'zolari:

Abduraxmonov Q.X., i.f.d., prof.,
O'zR FA akademigi
Zoxidov R.A., t.f.d., prof.,
O'zR FA akademigi
Igamberdiyev X.Z., t.f.d., prof.,
O'zR FA akademigi
Sednin V.A., t.f.d., prof. (Belorussiya)
Aldoshin N.V., t.f.d., prof. (Rossiya)
Xanov N.V., t.f.d., prof. (Rossiya)
Manoxina A.A., q.x.f.d., prof. (Rossiya)
Abdelxamid M.A., t.f.n. (Misr Arab
Respublikasi)
Sidorov V.A., i.f.d., prof. (Rossiya)
Nabiiev S.M., b.f.d., prof.
Agzamov A.H., t.f.d., prof.
Umirzakov R.A., g.m.f.d., prof.
Bakiyev M.R., t.f.d., prof.
Bobomirzayev P.X., q.x.f.d., prof.
Maxsumov A.G',t.f.d., prof.
Maxmudov M.J., t.f.d., prof.
Jonqobilov U.U., t.f.d., prof.
Mamatov F.M., t.f.d., prof.
Urishev B.U., t.f.d., prof.
Alikulov S.R., t.f.d., prof.
Avlakulov M., t.f.d., prof.
Eshev S.S., t.f.d., prof.

MUNDARIJA / CONTENTS

GEOLOGIYA-MINERALOGIYA FANLARI / GEOLOGICAL AND MINERALOGICAL SCIENCES

Кобилов Н.С., Хамидов Б.Н., Шукuroв А.Ш., Кодиров С.А.,
Хидиров М.К. Исследование и разработка эффективных составов
утяжеленных буровых растворов

3

Джураев Р.У., Райхонов Ш.З. Бурғилаш ишларида
кўлланиладиган дизель электр станцияларини юритмасининг
иссиқлигини фойдали утилизация килиш асосида уларнинг
самарадорлигини ошириш

9

Жураев Ф.О., Шоймуратов Т.Х., Авлакулов А.М.
Гидродинамические особенности пластовых вод юрских
отложений

15

TEKNIKA FANLARI / TECHNICAL SCIENCE

Мирзаев Ш.М., Кодиров Ж.Р., Ҳакимова С.Ш. Определение
геометрических размеров плоского солнечного коллектора
устройства естественной конвекции непрямой солнечной сушилки
и изучение режима работы

20

Хамрайев С.И., Ибрагимов У.Х. Yashash uylarining
kombinatsiyalashgan quyosh issiqlik ta'minoti tizimining energiya
samaradorlik ko'rsatkichlarini hisoblash

28

Эшев С.С., Уришова Д.Б. Насос станциялари ички босим
кувурларининг гидравлик ҳисоби

33

Камолов Б.С., Курбанов А.А., Сатторов Л.Х., Рашидова Р.Қ.
Особенности фильтрации базальтовым фильтром промышленных
газов от пыли

38

Янгиеев А.А., Аджимуратов Д.С., Рахматов М.И.,
Панжиев Ш. С. Тоғолди худудларидағы сел-сув омборлари
ўзанларида лойқа чўқиндиларни бошқариш учун тиндиргичлар
курилишини асослаш

44

Қосимов К.З., Кодиров Н.У., Махмудов И.Р. Плуг лемехларига
термик ишлов берил ресурсини оширишнинг экспериментал
тадқиқот натижалари

49

Эшев С.С., Маматов Н.З., Бабажанова И.Ю., Ҳусанов Ш.Ш.
Боғланган грунтли каналларнинг ювилиш жараёнини
моделлаштириш

55

Ziyamukhamedov J., Tadjikhodjaev Z. Development of
compositions and research of methods for increasing the strength
properties of organomineral thermoplastics

61

УДК: 622.79:622

ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДАГИ СЕЛ-СУВ ОМБОРЛАРИ ЎЗАНЛАРИДА ЛОЙҚА ЧЎКИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ УЧУН ТИНДИРГИЧЛАР ҚУРИЛИШИНИ АСОСЛАШ

Янгиеев Асрор Абдиҳамидович¹ – техника фанлари доктори, профессор,

e-mail: yangiev_asror_63@mail.ru

Аджимуратов Дилмурод Серикханович¹ – техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
e-mail: adjimuratov86@mail.ru

Рахматов Махмуд Исматович² – техника фанлари номзоди, e-mail: rahmatov1959@mail.ru

Панжиев Шерзод Саҳибович¹ – докторант, e-mail: soxibov1010@mail.ru

¹“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
милий тадқиқот университети

²Карши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятидаги Лангар сел-сув омборида олиб борилган дала-тадқиқотлари натижалари келтирилган. Лангар сел-сув омбори ўзанида қуриладиган тиндиргичлар ўлчамларини аниқлаши ва асослаши учун боғланган сел оқимининг кенгайтирилган конус шаклидаги участкада тўхтатилиши ҳисоблари бажарилган. Лангар сел-сув омбори учун тиндиргич конструкцияси сел-сув омбори сув келтирувчи ўзанига жойлаштирилган, тиндиргич тўртбурчак шаклдаги кўндаланг кесимили иккита камерадан иборат: 1-камера узунлиги $L_1 = 300$ м, эни $b_1 = 100$ м бўлиб, табиий ўзан энидан 1,5 марта катта $h_1 = 2.0$ м; 2-камера биринчи камера билан туташган бўлиб, узунлиги $L_2 = 200$ м, эни $b_2 = 80$ м бўлиб, табиий ўзан энидан 1,25 марта катта, чуқурлиги $h_2 = 1.5$ м. Иккала камера ҳам бўйлами нишаблиги бир хил қабул қилинган $i_1 = i_2$.

Калим сўзлар: сел-сув омбори, гидроузел, сув чиқарии ишиооти, сув ташлаши ишиооти, сел тошқини, лойқа чўкиндилар, фойдасиз ҳажэм, муаллақ ва туб чўкиндилар, сел-сув омбори хавфсизлиги.

Abstract. The article presents the results of field research conducted in the Langar flood reservoir in Kashkadarya region. Accumulation of large amounts of muddy sediments occurred in flood reservoir basins. In order to determine and justify the dimensions of the buffers to be built in the basin of the Langar flood reservoir, the calculations of the stoppage of the connected flood in the extended cone-shaped section were performed. The structure of the Langar flood-reservoir clarifiers consists of two chambers with a rectangular cross-section, located on the length of the flood reservoir water intake: the length of chamber 1 $L_1 = 300$ m, width $b_1 = 100$ m, which is 1.5 times larger than the natural bed width $h_1 = 2.0$ m. The 2nd chamber is connected to the first chamber and has a length of $L_2 = 200$ m, width $b_2 = 80$ m, which is 1.25 times larger than the natural bed width, depth $h_2 = 1.5$ m. Both chambers are assumed to have the same longitudinal slope $i_1 = i_2$.

Keywords: flood reservoir, hydropower station, water outlet structure, drainage structure, flood, muddy-sediments, useless volume, suspended and bottom sediments, flood-reservoir safety.

Кириш. Сайёрамизда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда табиий хавфхатарларнинг пайдо бўлиш частотаси тобора кўпайиб бормоқда. Бундай табиий ҳодисаларга сел-тошқинларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудларида сўнгги ўн йилликда иқлим ўзгаришлари натижасида сел-тошқинлар ва бошқа хавфли табиий ҳодисалар тез-тез содир бўлмоқда. Оқибатда эса ўнлаб дақиқалар ёки бир неча соат ичida қисқа муддатли сел оқимлари кўприкларни, йўлларни, каналларни, далаларни, экин майдонларни ҳамда сув ва сел-сув омборларидаги

гидротехника иншоотларини шикастлантирумокда. Сел-тошқинларга асосан жадаллашган ёғингарчиликнинг тасодифий содир бўлиши сабаб бўлмоқда, натижада эса дарёларнинг доимий оқими сел оқими билан қўшилиб, тезкор ва қисқа муддатда катта хавфлар содир этмоқда [1,2,3,4,5,6]. Сел-сув омборли гидроузелнинг юкори бъефларида қаттиқ оқимнинг аккумуляцияланиш жараёнлари мураккаб физик-гидравлик ҳолатлардан иборат бўлиб, гидрологик, топографик, гидравлик, гидротехник, эксплуатация ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Бугунги кунда сел-сувмборларини лойқа-чўкинди ётқизикларидан тозалаш бўйича техник-иктисодий жиҳатдан самарали тадбирлар мавжуд эмас. Умуман олганда, юкори бъефдаги ётқизикларни бутунлай сел-сув омборлари зонасидан чиқариб ташлашнинг амалда имконияти йўқ. Аммо, уларнинг миқдорини камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ўтказилмаса, бундай гидроузеллар яна бир неча йиллик фойдаланишдан сўнг умуман яроқсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин. Юзага келган муаммони ечишда юкори бъефдаги лойқа чўкинди ётқизиклари ҳажмини аниқлашдан ташқари, уларнинг юкори бъеф топографик шароитига боғлиқ равишда жойлашиш характеристларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир [7,8,9,10,11]. Бир неча йил фойдаланишда бўлган ўзанли сел-сув омборларида лойқа-чўкинди ётқизиклари параметрлари лойихавий ҳисоб-китоблардан кескин фарқ қиласди. Тоғолди худудларда жойлашган сел-сув омборларида лойқа-чўкиндиларнинг чўкиш жараёнини башоратлаш ҳамда уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш билан боғлиқ тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан ўрганилган, жумладан, А.Н.Гостунский А.А.Саркисян, Н.Л.Кулеш, В.И.Тевзадзе, Ц.Е.Мирцхулава, И.А.Мостков, Х.А.Исмагилов, А.Энштейн, А.Дайдо, Ф.Давронов ва ва бошқалар томонидан амалга оширилган ҳамда маълум даражада ижобий натижаларга эришилган [12,13,14,15,16].


Кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати. Республикаизда аксарият катта сел-тошқинлари тоғли ва тоғолди худудларида содир бўлмоқда. Қашқадарё вилоятида йирик сел-тошқини марказлари Қашқадарё, Ғузардарё, Танхоздарё, Яккабоғдарё ҳавзалари ва шу билан бирга вилоятнинг тоғли худудларида сойлар ҳисобланади. Бу дарё ҳавзаларида барпо этилган сув ва сел-сув омборларининг ҳавзаларида лойқа-чўкиндиларнинг кўп миқдорда тўпланиши сабаб бўлмоқда. Мавжуд сел-сув омборларида дала-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда уларнинг техник ҳолатларини ўрганиш ва ишончли, хавфсиз ишлаши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ўта муҳим вазифалардан биридир. Қуйида дала-тадқиқотлари олиб борилган сел-сув омборлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Масаланинг қўйилиши. Дарёларнинг доимий оқими сел оқими билан қўшилиб тезкор ва қисқа муддатда катта хавфлар содир этмоқда, яъни дарё ҳавзаларида барпо этилган сув ва сел-сув омборларининг ҳавзаларида лойқа-чўкиндиларнинг кўп миқдорда тўпланишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, сел-сув омборларида тошқин сувларини ўтказиб юбориш, лойқа-чўкиндиларнинг шаклланиши жараёнларини, чўкиш миқдори ва таркибини аниқлаш ҳамда сел-сув омборларининг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади юкоридаги муаммоларни илмий асосда ҳал этиш тизимини ишлаб чиқишидан иборат.


Ечиш усули (услублари). Тадқиқотда адабиётлар шархи бўйича статистик маълумотларга ҳамда дала ва назарий тадқиқотларга ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Натижалар таҳлили ва мисоллар. Қуйидаги диаграммаларда Лангар, Қизилсув, Калқама ва Дехқонобод сел-сув омборларида 2015-2021 йиллардаги сел оқимлари ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган [17,18]. Диаграммадан кўриниб турибдики, ўрганилган йилларда сел-сув омборларида сел оқимининг келиши ҳар хил, айниқса Лангарда 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 3 баробар кўп миқдорда сел оқимлари келган. 2020-2021 йилларда эса камайиши кузатилган (1-расм).



1-расм. Қашқадарё вилоятидаги сел-сув омборларида 2015-2021 йилларда күзатылған сел оқимлари

Лангар сел-сув омбори ўзанида қуриладиган тиндиригичлар ўлчамларини аниқлаш ва асослаш учун боғланған сел оқимининг кенгайтирилған конус шаклидаги участкада тұхтатилиши ҳисоблари бажарылған [12]. Қуйида Лангар сел-сув омбори ўзанида сел оқимини тұхтатиши ҳисоби көлтирилған. Бунда дастлабки параметрлер: $V_0=3,87 \text{ м}/\text{s}$; $\lambda = 0,04$; $b_0=25 \text{ м}$; $\operatorname{tg}\theta=\operatorname{tg}12^\circ=0,21$; $\operatorname{tg}\theta_1=\operatorname{tg}60^\circ=1,73$; $H_0=1 \text{ м}$; $\omega_0=25 \cdot 1=25 \text{ м}$; $=96,71 \cdot 5=483,55 \text{ м}^3/\text{s}$; $i_{\text{тр.з.}}=0,16$; $i_{\text{к.в.}}=0,02$; унда $K_p=8,0$.



2- расм. Сел-сув омбори ўзанида сел оқимининг кенгайтирилған конус шаклидаги участкада тұхтатилиши схемасы:

1-транзит зонасы; 2-конус шаклидаги участка.

Ҳисоблар бүйіча ўзан транзит зонаси чиқиши қисмидан $x_1=100 \text{ м}$ масофадаги сел оқимининг параметрлари ва зона ўлчамлари қуйидагы [12]:

Створдаги оқим тезлиги:

$$V_c = \sqrt{\frac{g}{\lambda}} \sqrt{\frac{Q_0}{b_0}} \sqrt{\frac{2}{\pi}} \sqrt{\frac{H_0}{d_x}} \sqrt{\frac{1}{\sin \theta_1}}$$

Створдаги оқим сарфи:

$$Q_{tek} = \frac{Q_0 - Q_1}{t_{tek}} = \frac{483,55 - 192,08}{10} = 291,46 \text{ м}^3 / \text{с}$$

Конус участка с конусом $\alpha = 10^\circ$ и высотой $h = 100 \text{ м}$:

$$Q_{tek} = Q_0 - Q_1 = 483,55 - 192,08 = 291,46 \text{ м}^3 / \text{с.}$$

Ушбу участка оқим тезлиги:

$$V_{1\text{yp}} = \frac{Q_{tek} \cdot t_{tek}}{\rho \cdot g} = \frac{291,46 \cdot 10}{1000 \cdot 9,81} = 29,5 \text{ м}^3.$$

Оқимнинг аралашиш вақти:

$$t_1 = x_1 / V_{1\text{yp}} = 100 / 2,72 = 36,74 \text{ с}$$

Биринчи участка оқим тезлигі t_1 вақт ичида чўкиндилар ҳажми:

$$W_1 = Q_{1\text{yp}} \cdot t_1 = 337,81 \cdot 36,74 = 12412 \text{ м}^3.$$

Биринчи участка оқим тезлигі t_1 вақт ичида чўкиндилар ҳажми:


$$H_{1\text{yp}} = Q_{1\text{yp}} / b_{1\text{yp}} \cdot V_{1\text{yp}} = 337,81 / 46,0 \cdot 2,72 = 2,12 \text{ м.}$$

Сел оқими табиий қиялиги бурчагини хисобга олган ҳолдаги оқим кенглиги, унда:

$$\theta_1 = 60^\circ \text{ ва } \operatorname{tg} \theta_1 = \operatorname{tg} 60^\circ = 1,73;$$

$$b_1' = b_1 + H_1 \operatorname{tg} \theta_1 = 75,0 + 1,82 \cdot 1,73 = 79 \text{ м.}$$

Юқоридаги хисоблар шуни кўрсатадики, Лангар сел-сув омбори ўзанида режалаштирилган тиндиригичлар биринчи камераси узунлиги 100 м, кенглиги 79 м ни ташкил қилган. Тиндиригичнинг кенглиги конструктив равишда 100 м, чуқурлиги эса 2 м олиш мақсадга мувофиқ.



3-расм. Тиндиригич схематик плани: 1-тиндиригич 1-камераси; 2- тиндиригич 2-камераси; 3-сел-сув омбор ўзани; 4-сел-сув омборининг тиндиригичлардан кейинги ўзани; 5-сел-сув омбори косаси; 6-сел-сув омбори тўғони

Хуноса. Қашқадарё вилоятидаги Лангар сел-сув омборида олиб борилган дала-тадқиқотлари натижасида қуйидагилар аниқланди:

1. 2015-2021 йиллардаги сел оқимлари ҳажми тўғрисидаги маълумотларига кўра Лангар, Қизилсув, Қалқама ва Дехқонобод сел-сув омборларида сел оқимининг келиши ҳар хил, айниқса Лангарда 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 3 баробар кўп микдорда сел оқимлари келган, 2020-2021 йилларда эса камайиши кузатилган. Натижада, сел-сув омбори ҳавзасининг лойқа-чўкиндилар билан тўлиши давом этмоқда.

2. Лангар сел-сув омбори ўзанида қуриладиган тиндиргичлар ўлчамларини аниклаш ва асослаш учун боғланган сел оқимининг кенгайтирилган конус шаклидаги участкада тўхтатилиши ҳисоблари бажарилган. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, Лангар сел-сув омбори ўзанида режалаштирилган тиндиргичлар биринчи камераси узунлиги 100 м, кенглиги 79 м ни ташкил қилган. Тиндиргичнинг кенглиги конструктив равишда 100 м, чукурлиги эса 2 м олиш мақсадга мувофиқ.

3. Лангар сел-сув омбори учун тиндиргич конструкцияси сел сув омбори сув келтирувчи ўзанига жойлаштирилган, тиндиргич тўртбурчак шаклдаги кўндаланг кесимли иккита камерадан иборат: 1-камера узунлиги $L_1 = 300$ м, эни $b_1 = 100$ м бўлиб, табиий ўзан энидан 1,5 марта катта $h_1 = 2,0$ м; 2-камера биринч камера билан туташган бўлиб, узунлиги $L_2 = 200$ м, эни $b_2 = 80$ м бўлиб, табиий ўзан энидан 1.25 марта катта, чукурлиги $h_2 = 1,5$ м. Иккала камера ҳам бўйлама нишаблиги бир хил қабул қилинган $i_1 = i_2$.

Адабиётлар

1. Алекин О.А. Основы гидрохимии. Ленинград: Гидрометеоиздат, 1970. 443 с.
2. Аравин В.И., Носова О.Н. Натурные исследования фильтрации. Ленинград: «Энергия», 1969. 256 с.
3. Асарин А.Е., Семенков В.М. Расчетные паводки и безопасность плотин // Ж.: Гидротехническое строительство. – Москва, 1992. №8. С. 55-57.
4. Закон Республики Узбекистан «О безопасности гидротехнических сооружений». Ташкент, 1999.
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16.11.99 года, №499. Положение «О централизованном обследовании и оценке технического состояния гидротехнических сооружений в Республике Узбекистан» от 03.10.2001 г. №03-4-245.
6. Мухамедов А.М. Эксплуатация низконапорных гидроузлов на реках, транспортирующих наносы (на примере Средней Азии). Ташкент: Фан, 1976. 237 с.
7. Справочник проектировщика. Гидротехнические сооружения. Под ред. Недриги В.П. Москва: Стройиздат, 1983. – 453 с.
8. КМК 2.06.05-98. Плотины из грунтовых материалов. Госкомитет по архитектуре и строительству. Ташкент, 1998. 200 с.
9. КМК 2.02.02-98. Гидротехника иншоотларининг заминлари. Тошкент. 1998. 210 б.
10. Малик Л.К. Чрезвычайные ситуации, связанные с гидротехническим строительством // Гидротехническое строительство. Москва, 2009. № 12. С. 1-16.
11. Мирцхулава Ц.Е.«Надёжность гидромелиоративных сооружений».Москва,1974. 366 с.
12. Натишвили О.Г., Тевзадзе В.И. Основы динамики селей // Тбилиси 2007, 214 с.
13. Янгиеv А.А., Панжиев Ш., Аджимуратов Д.С. // Сел-сув омборларида лойқачўкиндиларнинг шаклланиши таҳлили ҳамда хавфсизлигини баҳолаш бўйича тавсиялар/Irrigasiya va meliorasiya журнали. Тошкент 2021 №1(23) 29-33 б.
14. Yangiev A.A., Gapparov F.A., Adjimuratov D.S. Filtration process in earth fill dam body and its chemical effect on piezometers. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM 2019.
15. Yangiev A.A., Ashrabov A., Muratov O.A. Life prediction for spillway facility sidewall. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.
16. Yangiev, A.A., Bakiev, M.R., Muratov, O.A., Choriev, J.M., Djabbarova, S. Service life of hydraulic structure reinforced concrete elements according to protective layer carbonization criteria Journal of Physics: Conference Series 1425(1).
17. Yangiev A., Adjumuradov D., Panjiev Sh., Karshiev R. // Results and analysis of field research in flood reservoirs in Kashkadarya region/ E3S Web of Conferences 264, 03033 (2021)
18. Yangiev, A., Eshev, S., Panjiev, S., Rakhimov, A. Calculation of sediment flow in channels taking into account passing and counter wind waves. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 883(1),012036 2020.